Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 10 ноябрь, шанба • №89 (11.374) • Эркин нархда сотилади

Шу куннинг гапи

## КУЗГИ-ҚИШКИ ИШЛАРНИ ПАЙСАЛГА СОЛМАНГ!

***Вилоятимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларида йиллик режаларини барвақт ва ортиғи билан адо этиб, айни кунларда келаси йил ҳосили учун пухта замин яратиш мақсадида кузги-қишки тадбирларни амалга оширишга киришдилар.***

Бу борада вилоятимиз ғаллакорлари эришган натижалар, айниқса, қувончли бўлди. Режага мувофиқ жами 127 минг гектар, шу жумладан, 112 минг гектар суғориладиган ва 15 минг гектар лалми ерларга кузги ғалла уруғи сепилиши лозим эди. Амалда эса суғориладиган ерларга 25 октябрдаёқ уруғ қадаб бўлинди. Айни кунларда Бўстонлиқ ва Паркент туманларидаги лалми ерларнинг сўнгги гектарларига уруғлик сепилмоқда.

112 минг гектар суғорма майдонлардаги ғалла майсалари бугунги кунгача бир марта суғорилди. 105 минг гектар майдонда эса уруғлик тўлиқ униб чиқди. Дастлаб уруғ ташланган майдонларда ғалла туплай бошлади.

Айни пайтда барча туманларда кузги шудгор ишларини 30 ноябрдан кечиктирмай якунлаш учун мавжуд барча имконятлар сафарбар этилмоқда. Шу кунгача мўлжалланган 119 минг гектар майдоннинг 40 минг гектардан кўпроғи сифатли ҳайдаб қўйилди. Шудгорлаш олдидан майдонларни ғўзапоядан тозалашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоятда кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш ўтган йилдагига нисбатан бирмунча жадал суръатларда давом этмоқда. Бироқ эътироф этиш керакки, шу кунгача бажарилган

***(Давоми 2-бетда).***



## 10 ноябрь – Милиция ходимлари куни

## ШАВКАТЛИ ХИЗМАТ ФИДОЙИЛАРИ

***Эрта тонгда паст-баланд тоғ чўққилари ортидан кўтарилиб чиқаётган қуёшни кузатганмисиз? Қизариб, яллиғланиб турган қуёшнинг сокинлиги, борлиққа сингиб кетувчи ҳаррир нурларнинг тиниқлиги кишини эркалайди, дилларда борлиққа муҳаббат уйғотади, яшашга, яратишга, меҳнатга иштиёқни кучайтиради. Шу сокинлик, шу тиниқлик, шу иштиёқнинг қадрига етиш, уни авайлаб-асраш қалбингизнинг туб-тубида олий мақсадга айланади.***

Ана шундай олий ниятли фарзандларимизнинг кўпчилиги ўз ҳаётларини ички ишлар, милиция органлари хизматига бағишлашган. Янгиланаётган жамиятимизда қонун устиворлигини таъминлаш, эл-юрт осойишталиги, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, мустақил мамлакатимизнинг равнақига тўсиқлар – турли жиноятчиликларнинг пайини қирқиш шу мард ва жасур кишилар измида. Улар сафида бўлган Вилоятимиз ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам маҳаллий бошқарув идоралари, жамоат ташкилотлари билан баҳамжихат иш олиб бориб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришга интилаётирлар.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳрир ҳайъати, ижодкорлари ва барча муштарийлари осойишталик посбонларини милиция ходимлари куни билан қизғин қутлайдилар.

***(Газетамизнинг 4- ва 5-саҳифаларида вилоят милиция ходимларининг фаолияти ҳақидаги мақолаларни ўқийсиз).***

## Оталиқ ташкилотлар ҳомийлигида

***Ангрен шаҳридаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига қаҳратон қишнинг аёзли кунлари энди қўрқинчли эмас. Чунки мавсумга ҳар қачонгидан кўра яхши тайёргарлик кўриб қўйилди.***

Хусусан, хийлагина оғир аҳволда бўлган тўққиз мактаб ва иккита болалар боғчаси қайта таъмирланди, уларнинг иситиш тизими тузатилди. Шу мақсадлар учун салкам 13 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, Янги Жиғаристон маҳалласидаги мактаб биноси қурилиши Самарчўғдаги 26-мактаб иситиш қозонини таъмирлаш ишлари чўзилиб кетмоқда.

– Мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг имкониятларини излаяпмиз, – дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф. Исроилов. – Айни кунларда мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида оталиқ ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиш чоралари белгиланмоқда. Бунда нафақат таъмирлаш ва ободонлаштириш, балки, таълим-тарбия ишларини юксалтириш билан боғлиқ масалаларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

***Н. ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

## АЗИЗ ДЎСТЛАР!

**Сизларни шу йил 11 ноябрь – якшанба куни Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» уйингоҳида соат 12.00да бошланадиган Тошкент вилояти меҳнаткашларининг «Ҳосил байрами»га таклиф этамиз.**




Шу куни Сиз вилоятимизнинг заҳматкаш меҳнат аҳли қадрини улуғловчи самимий табрик сўзларини тинглаб, қишлоқ хўжалиги илғорларини тақдирлаш маросимининг гувоҳи бўласиз.

Тантаналарнинг бадиий қисмида Ўзбекистон санъат усталари ва ёш, истеъдодли хонандалар ижросидаги катта байрам концерти дастурини, шунингдек, вилоят спортчиларининг кўргазмали чиқишларини томоша қилиб, мароқли дам оласиз.

**«Ҳосил байрами»га марҳамат!**

## Бугунги сонда:

**2-бет** **Вилоят ҳокимлигида:** Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

**3-бет** **Қишлоқ ва ислоҳот:** Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида пахтачилик ва ғаллачилик билан бир қаторда қиш кунларида иссиқхоналарда ёз ноз-неъматларини етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

**4-5-бетлар** **Ўзбекистон милицияси:** Бу касб эгалари юрт тинчлиги, халқ осойишталиги йўлида ҳамиша ҳушёр ва камарбастадирлар.

**6-7-бетлар** **ТЕЛЕ ДАСТУРЛАР**

**8-бет** **Цейлон чойининг таъми:**



Чой бизнинг иқлимга хос жазирама чоғида нисбатан оз миқдордаги ичимлик билан чанқоқни меъёрида қондириш воситаси сифатида урф бўлган.

AZIZ D`OSTLAR!

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида **2002 йил учун** бошқа нашрлар қатори **«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**га ҳам **обуна** расмийлаштирилиши давом этмоқда.

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ**

**Шу кунларда унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.**

Вилоят ҳокимлигида

# ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**_Шу йилнинг 8 ноябрь куни вилоят ҳокимлигида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди._**

Унда вилоятнинг шаҳар ва туманлари ҳокимлари, назорат идоралари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни ҳудудий комиссия раиси, вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Мажлисда кун тартибига киритилган бешта масала муҳокама этилди.

Биринчи масала – назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши йиғилиши қарорининг ижроси юзасидан вилоят комиссияси раиси У. Мирзақулов ҳудудий комиссиялар ва назорат идоралари олдига қўйилган масалалар бўйича ахборот берди. Мазкур қарор ижросининг таъминланиши бўйича комиссия аъзолари билан атрофлича фикр-мулоҳаза алмашилди.

Йиғилишда 2001 йилнинг тўққиз ойи давомида вилоятдаги хўжалик субъектлари фаолиятини текширишларнинг мувофиқлаштирилиши ҳам кўриб чиқилди. Вилоят комиссияси раиси ўринбосари М. Комилов ушбу масала юзасидан ахборот берди. Маърузачи вилоятда бу борада эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳақида гапириб ўтди. Жумладан, ҳудудий комиссияларнинг ташкилий-амалий тадбирлари натижасида йил бошидан буён ўтган вақт мобайнида текширилган хўжалик субъектлари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 64,4 фоизга камайган. Назорат органлари ишининг самарадорлигини шундан кўриш мумкинки, текширишларнинг 63,4 фоиз қисмида хўжалик субъектларининг фаолиятида хато ва камчиликлар аниқланган, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 3 миллион 207 минг сўмдан ортиқ молиявий жарималар қўлланилган.

Ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда комиссиялар фаолиятида камчиликлар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Бир неча туман ва шаҳарларда рухсатсиз текширувлар ўтказилгани, ҳудудий комиссиялар ҳузурида ўрнатилган «Ишонч» телефонларининг фаолияти ҳануз самарасиз бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидаги учинчи масала Бўстонлиқ тумани бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий ишчи комиссия томонидан текширишларни тартибга солишга оид қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар ҳақида бўлди. Бу ҳақда комиссия раиси, туман ҳокими У. Ниғматов ахборот берди.

Туманда ўтган давр мобайнида хўжалик субъектлари фаолиятига ноўрин аралашувлар кузатилмагани, тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда 1280 хўжаликда «Текширишларни рўйҳатга олиш китоби» жорий этилгани кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга муайян камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги ҳам тилга олинди.

Йиғилишда «Ўздавстандарт» марказининг Бекобод, Олмалиқ ва Чирчиқ ҳудудий бўлимлари томонидан текширишларнинг тартибга солиниши ва самарадорлиги оширилишига қаратилган тадбирлар ҳусусидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда «Ўздавстандарт» маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Т. Раҳимов ахборот берди.

Кўрилган бешинчи масала юзасидан Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Давтехназорат» унитар бўлими фаолиятида «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилиши ҳақида бўлим бошлиғи Қ. Мирзааҳметовнинг ахбороти тингланди.

Комиссия аъзолари кўрилган масалалар юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазалари, аниқ таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда кун тартибидаги барча масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

# СПОРТ ОММАВИЙ БЎЛИШИ КЕРАК

**_Вилоят ҳокимлигида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда вилоят ҳокимининг қарорлари ва давлат дастурининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди._**

Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ҳамда бошқарма бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, халқ таълими бўлимлари мудирлари, шунингдек, спорт қўмиталари раислари, касаба уюшмаларининг кўнгилли спорт жамияти раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Вилоятда Вазирлар Маҳкамаси қарорининг бажарилиши ҳамда вилоят мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг бориши ҳақида вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳром Ғафуров ахборот берди. У ўз сўзида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қай даражада бажарилаётгани ва бу соҳада эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларга тўхталиб ўтди.

Шаҳар ва туманлардаги спорт иншоотлари рўйҳатдан ўтказилиб, шу кунга қадар кўплаб турли хил спорт мусобақалари ва тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. 2001 йилнинг шу кунига қадар вилоятда бир неча спорт иншоотлари ва клублари тузилди. Олмалиқ шаҳридаги теннис корти, Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғидаги спорт майдони, Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги «Олтин тақа» от спорт клублари шулар жумласидандир. Бундай ижобий мисолларни вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларидан ҳам келтириш мумкин.

Аммо йиғилишда шаҳар, туманларда қарор ва давлат дастурини бажариш борасидаги сансалорлик, ўзибўларчиликлар қаттиқ танқид остига олинди. Вилоят бўйича 27та спорт ва соғломлаштириш клублари ҳужжатларда кўрсатиб ўтилсада, кўпчилиги вилоят адлия бошқармаси рўйҳатидан ўтмаган. Ангрен, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарлари, шунингдек, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Чиноз туманларида ҳалигача спорт клублари ташкил этилмаган. Қарор ва дастурнинг бажарилиши юзасидан бир неча бор йиғилишлар, текширишлар ўтказилишига қарамай, камчиликларнинг ҳали-ҳануз такрорланаётганига ҳам йиғилганлар эътибори қаратилди.

Умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларининг биринчи босқичи барча ҳудудларда ҳам яхши ташкил этилмагани, бу борада эса вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Йиғилиш сўнгида кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# ТОШКЕНТДА ЮНФПА МАЪРУЗАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

**_Тошкентда БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (ЮНФПА) ҳар йилги маърузаси тақдимоти бўлиб ўтди._**

ЮНФПА мутахассислари тахминларига кўра, 2050 йилга келиб сайёрамиз аҳолиси 9,3 миллиард кишини, жумладан, Ўзбекистон аҳолиси 40,4 миллион кишини ташкил этади. Ер шари аҳолисининг ўсиши турмуш сифатига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу сабабли ЮНФПА тадқиқотлар ўтказиш ва тахминлар қилиш билан бирга, Ер шари аҳолисининг кўпайиши оқибатида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш йўлларини ҳам таклиф этмоқда.

Ўзбекистон репродуктив саломатлик уюшмаси жамғарманинг ижрочи агенти ҳисобланади. Чунончи, жорий йилнинг 19 сентябрида Аҳолишунослик жамғармаси ва Ўзбекистон ҳукумати бир йилга мўлжалланган ва ЮНФПА томонидан молиялаштириладиган "Ўсмирлар учун ишонч кабинети", деб номланган янги лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни имзолади.

**_В.МАРКОВ, (ЎзА)._**



_Янгийўл туманидаги Усмон Юсупов номли очиқ турдаги акциядорлик фирмасида ишлаб чиқарилаётган турли-туман шарбатлар, тузланган ва маринадланган бодринглар, помидорлар, бақлажон ва булғор қалампирлари ўзларининг бетакрор сифати ҳамда чиройли ва бежирим идишларга жойланганлиги билан харидорларнинг эътиборини ўзига жалб этади._

**_СУРАТДА: корхонанинг ёш ишчиларидан Алишер Сафаров ва Валентина Коробовалар янги тайёрланган маҳсулотни кўздан кечиришмоқда._**

**_Даврон АҲМАД олган сурат._**

# КУЗГИ-ҚИШКИ ИШЛАРНИ ПАЙСАЛГА СОЛМАНГ!

**_(Давоми. Боши 1-бетда)._**

ишлар янада салмоқли бўлиши мумкин эди. Афсуски, айрим туманларда раҳбар ва мутахассислар кузги-қишки тадбирларни бажаришда сусткашликка йўл қўйиб, вилоятни ҳам орқага тортмоқдалар. Далилларга мурожаат қилайлик. Қуйичирчиқ, Бекобод, Оққўрғон туманларида пахта экилган майдонларни ғўзапоядан тозалаб, пешма-пеш чуқур шудгорлаш ишлари мавжуд имкониятлар даражасида ташкил этилмаяпти. Айрим хўжаликларда ерларни ғўзапоялардан умуман тозаламай ҳайдаб юбориш ҳолларини кузатиш мумкин. Бунинг устига ҳайдов тракторлари қувватидан тўла ва унумли фойдаланилмаяпти. Айниқса, замонавий «Магнум» тракторлари бир қатор туманларда мутлақо қониқарсиз ишлаяпти. Бунинг устига ерлар меъёрдаги 40 сантиметр ўрнига бор-йўғи 20-25 сантиметр чуқурликда ҳайдалмоқда.

Бўстонлиқ туманида мавжуд 43та ҳайдов тракторидан фақат 2таси, Бекобод туманида 61тадан 21таси, Тошкент туманида 17тадан 7таси ишлатиляпти, холос. Жумладан, Бўстонликда бир «Магнум» билан кунига режадаги 20 гектар ўрнига 5 гектар, Қуйичирчиқ туманида эса 9 гектар ер ҳайдалмоқда. Кузги ғалла майдонларини ғўзапоядан тозалаш бугунги куннинг яна бир муҳим тадбирларидан бири. Лекин, бир қатор туманларда бу масалага яхши эътибор берилмаяпти. Чунончи, Бекобод, Бўка, Юқоричирчиқ туманларида иш ниҳоятда суст.

Маълумки, кузги-қишки тадбирлар мажмуида суғориш тармоқларини тозалаш ҳам асосий ўрин тутади. Шу боис куз-қиш ойларида вилоят бўйича тозаланадиган ариқ-зовурлар ҳажми аниқ белгилаб олинган. Жумладан, 585 километр хўжаликлараро каналлар, 750 километр хўжаликлараро зовурлар, 1120 километр ички зовурлар ҳамда 910 километр ички ариқларни тозалаш зарур. Шунга қарамай, бир қатор туманларда бу муҳим тадбирга етарли эътибор қаратилмаяпти. Масалан, Бекобод туманида 250 километр узунликдаги ички зовурларнинг 44 километри, 280 километр узунликдаги ариқларнинг 57 километринигина тозалашга улгурилди холос. Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Қибрай, Тошкент туманларида ҳам аҳвол шундай.

Бундай сусткашликнинг сабаби маълум, албатта. Биринчидан, йирик суғориш иншоотларини механизмлар ёрдамида тозалаш учун техника воситалари керагича сафарбар этилмаяпти. Масалан, Оққўрғон туманида режаланган 10та экскаватордан фақат 4таси, Тошкент туманида 6тадан 3таси ишлаяпти. Ваҳоланки, бу ишга жиддий ёндошилаётган туманларда қўшимча имкониятлар топиб, ишга солинмоқда. Чунончи, Бўка туманида режадаги 12та ўрнига 16та, Юқоричирчиқ туманида 5та ўрнига 10та, Ўртачирчиқ туманида 6та ўрнига 13та экскаватор ариқ-зовурларни тозалашга жалб этилган.

Хўжаликларнинг аъзоларини ички ариқ-зовурларни тозалашга сафарбар этишнинг аҳволи, айниқса, ачинарли. Масалан, Қуйичирчиқ туманида режалаштирилган 1250 ўрнига 53, Бекобод туманида 1600 ўрнига 63, Тошкент туманида 1000 ўрнига 62, Қибрай туманида 1150 ўрнига 81 нафар хўжалик аъзоси ариқ-зовурларни тозалашда қатнашяпти. Бундай суръат билан суғориш шахобчаларини кейинги йилги мавсумга тайёрлашга улгуриб бўлмаслиги аниқ.

Эътироф этиш керакки, айни кунлар об-ҳавоси кузги-қишки тадбирларни тез ва сифатли ўтказиш учун жуда қулай келмоқда. Ана шу имкониятдан вақтида ва самарали фойдаланиш учун ҳозир кузги шудгорга жиддий эътибор қаратиш зарур. Бунда, айниқса, пахта майдонларини ғўзапоядан тўла тозалаб, сўнгра шудгорлаш, бирйўла ариқ-зовурларнинг ёқаларидаги дўнгликларни суриб, текислаб, экин майдонига қўшишга алоҳида ёндошиш лозим. Шунингдек, хўжаликлараро ва ички ариқ-зовурларни тозалашга, мавжуд барча техника воситаларини, ишчи кучларини тўла сафарбар этиб, бу муҳим ишни кўкламга қолдирмай саранжомлаб олиш зарур.

Ана шундагина биз келгуси ҳосилга пухта замин яратамиз.

**_Қулмуҳаммад ФАЙЗИЕВ,_**
**_вилоят ҳокимлиги агросаноат мажмуи масалалари бўйича котибият мудири._**

## Қишлоқ ва ислоҳот

**Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида пахтачилик ва ғаллачилик билан бир қаторда қиш кунларида иссиқхоналарда ёзноз-неъматларини етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу тармоқ хўжаликка ҳам, унинг ишчиларига ҳам ҳар йили мўмай даромад келтирмоқда. Тажрибали мутахассис, изланувчан раҳбар Станислав Хвон бошқараётган иссиқхона ҳозирги кунда ҳам гўё баҳор фаслидагидек яшнаб турибди. Шиғил гулга кириб, ҳосил туго бошлаган помидор, бодринг палаклари баҳри-дилингизни очиб юборади.**

# МИЛЛИОНЕР ФЕРМЕР

Станислав ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урди. У фермер хўжалигини ташкил этиб, 200 гектар ер ажратиб олди. Унинг хўжалигида 180 киши меҳнат қилади. Ўтган йили эрта кузда 80 гектар майдонга экилган буғдой мўл ҳосил тўкди. Гектаридан 40 центнер ўрнига 49 центнердан дон олинди.

Фермер хўжалиги биринчи йилдаёқ пахтачиликда ҳам қувончли натижаларга эришди. 100 гектар майдонда мўл ва сифатли ҳосил етиштирилиб, режа ортиғи билан бажарилди. Пахтанинг 80 фоизи юқори навга сотилиб, мўмай даромадга замин яратилди.

Йиғим-теримда оммавий сафарбарликни таъминлаш мақсадида фермер хўжалигининг ҳар бир ходимига 3 қопдан ун, керагича совун тарқатилди. 26 сентябргача бир килограмм пахта учун 25 сўмдан, сўнг эса 30 сўмдан ҳақ тўланди. Теримчилар билан беш кунда эмас, уч кунда ҳисоб-китоб қилиб борилди. Режа уддаланганидан сўнг аъзоларга яна 3 қопдан ун берилди. Шунингдек, ёғ, кунжара, омухта ем бериш ҳам режалаштириб қўйилган.

– Биз учун ҳар томонлама яхши шароит яратилган, – дейди чевар теримчи Лайло Ғаниева. – Иш бошида иссиқ овқат, чой ташкил этилди. Ҳар уч кунликда терган пахтам учун 15 минг сўмдан 17 минг сўмгача ҳақ олдим. Бундан ташқари иссиқхонада иш ҳақим ҳам сақланиб қолди. Илгари бундай қулайликлар бўлган эмас.

Фермер хўжалигида Лайло сингари кўпмингкилограммчи теримчилар оз эмас. Дилором Алиматова, Нортожи Холиқбердиева каби ўнлаб аъзолар ҳам меҳнатлари моддий жиҳатдан қадрланаётганлигидан мамнунлар. Чунки, уларнинг қўли пул кўрди. Рўзғор ташвишидан ҳоли бола-чақадан хотиржам эканликлари боис даладаги ишлари унумли бўлаяпти.

– Бу ютуқларни фақат менинг номим билан боғлаш ноўрин, – дейди С. Хван. – Ёнимда ажойиб ташкилотчи, ишбилармон ходимлар борки, хўжалигимизнинг бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишонаман. Иш юритувчи қозоқ йигити Ғанибой Умаров, уйғур йигит Холдор Абдурахимхўжаевларсиз хўжалигимизни тасаввур эта олмайман. Ҳақиқий ишчан инсонлар.

Халқимизда даромадга қараб буромад деган гап бор. Ҳосилдорлик ошиб, маҳсулот сифати яхшиланиб, таннархи арзонлашгани туфайли фермер хўжалиги иқтисодий томондан бақувват бўлиб бормоқда. Фақат пахтанинг ўзидан 24 миллион сўм даромад олиш кўзланмоқда. Бунга ғалла ва иссиқхонадан келаётган даромадлар ҳам қўшилиб, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш учун кенг имкониятлар туғилмоқда. Кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

**Иноғом ХОЛТУРСУНОВ.**

## Кўргазма

### «MILAN» – ТОШКЕНТДА

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида «MILAN» ёш чех сураткашлари ижодий гуруҳининг кўргазмаси очилди.***

– Ўзбекистонлик санъат ихлосмандларига тақдим этилаётган ушбу фотокўргазма кейинги йилларда чех сураткашлигидаги асосий бадиий йўналишларни ўзида акс эттирган, – деди Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Ярослав Лудва. – Экспозицияда 14 нафар сураткашнинг асарлари ўрин олган. Фотоасарларда буюмлар дунёси янгича, ўзига хос тарзда очилган бўлиб, ранг-баранглиги билан томошабинларнинг диққатини жалб этиши шубҳасиз.

***«Туркистон-пресс».***

## Фестиваль

### ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИ

***Австрия пойтахти Вена шаҳрида Марказий Осиё давлатлари мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган анъанавий ретроспектив фильмлар фестивали ниҳоясига етди.***

Таъкидлаш жоизки, мазкур кинофорум «VIENNALE» Вена халқаро кинофестивали дирекцияси томонидан ташкил этилди. «VIENNALE» немис тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги кўҳна санъат анжуманларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ушбу кинофестивалда «Аччиқ мева», «Сиз кимсиз?» фильмлари, шунингдек, «Қоракўл», «Оролқум» ва «Ташналик» номли қисқа метражли фильмлар билан иштирок этди. Алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз кино ижодкорлари яратган мазкур асарлар тадбир иштирокчиларида катта ва ўзига хос қизиқиш уйғотди.

***«Жаҳон» АА.***


# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 12, 19 декабрь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги кимошди ва биржа савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Тошкент вилояти, БЛКТБ «Мевасабзавот» ОАЖга қарашли КАМАЗ-54112 русумли, давлат рақами 44-18 ТШП бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилгон автотранспорт.

**Бошлонғич баҳоси – 569600 сўм.**

2. Тошкент вилояти, БЛКТБ «Мевасабзавот» ОАЖга қарашли, ярим тиркама ОДАЗ-9370 русумли, давлат рақами 34-76 ЕК бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошлонғич баҳоси – 149200 сўм.**

3. Бўстонлиқ тумани санитария-эпидемиология станциясига қарашли РАФ-2203101 русумли, давлат рақами 11 AL 429 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси – 358000 сўм.**

4. Бўстонлиқ тумани санитария-эпидемиология станциясига қарашли ГАЗ-51 русумли, давлат рақами 11 AL 417 бўлган, 1966 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси – 203600 сўм.**

5. Тошкент вилояти ҳокимиятига қарашли «Супер салон» русумли, давлат рақами 10 TV 201 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси – 10.620.000 сўм.**

*Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiylashtirishga ko`maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.*

6. Янгийўл шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган ИЧТУ «Янгийўлмебел»нинг қуйидаги мулки савдога қўйилмоқда.

| Мол-мулк номи | Бошланғич баҳоси |
|---|---|
| *Мебел йиғиш цехи* | *35233389,00 сўм* |
| *Гидравлик пресс* | *120000,00 сўм* |
| *Гидравлик пресс* | *215719,01 сўм* |
| *Кромко тайёрлайдиган дастгоҳ 1989 йилда ишлаб чиқарилган* | *82627,41 сўм* |
| *Гельотин қайчилари 1992 йилда ишлаб чиқарилган* | *1120000,00 сўм* |
| *БВП тайёрлаш ускунаси 1996 йилда ишлаб чиқарилган* | *5390898,00 сўм* |
| *Кўндаланг рандаловчи дастгоҳ 1977 йилда ишлаб чиқарилган* | *730000,00 сўм* |
| *Тешиш-ўйиш дастгоҳи* | *11077,88* |

7. Янгийўл шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган Янгийўл туман «МТП» корхонасига қарашли қуйидаги мулк савдога қўйилмоқда.

| Мол-мулк номи | Бошланғич баҳоси |
|---|---|
| *ЗИЛ-ММЗ-45021, давлат рақами 11 АС 274, 1981 й. ишлаб чиқарилган* | *650000 сўм* |
| *ЗИЛ-ММЗ-45021, 1984 й. ишлаб чиқарилган* | *670000 сўм* |
| *ГАЗ-5312, давлат рақами 11 АС 272, 1981 й. ишлаб чиқарилган* | *600000 сўм* |
| *ГАЗ-5327, давлат рақами 21-31 ТШН, 1986 й. ишлаб чиқарилган* | *490000 сўм* |
| *УАЗ-3303, давлат рақами, 83-52 ТШМ, 1987 й. ишлаб чиқарилган* | *450000 сўм* |
| *УАЗ-3303, давлат рақами, 34-66 ТШП, 1991 й. ишлаб чиқарилган* | *510000 сўм* |
| *УАЗ-452, давлат рақами, 11 АС 348, 1988 й. ишлаб чиқарилган* | *380000 сўм* |
| *КАВЗ-3270, давлат рақами 23-86 ТШН, 1988 й. ишлаб чиқарилган* | *750000 сўм* |
| *Т-28х4, 1994 й. ишлаб чиқарилган* | *640000 сўм* |

**Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба-жума кунлари ўтказилади.**

*Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Моварауннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг чап қаноти.*

*Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 132-00-37.*

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ

Тажриба

## КЎНГИЛЛИ ЁРДАМЧИЛАР – ТАЯНЧИМИЗ

**Милиция подполковниги Асқар АҲМЕДОВ, Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари**

– Бешинчи йилки, бўлимимиз ходимлари бирор-бир қонунбузарликсиз, нуқсонсиз ишламоқда. Тўғри, фаолиятимизда камчиликлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бор. Лекин, шукрки, фуқаролар ҳуқуқига дахл қилиш ёки порахўрлик, таъмагирлик, у ёки бу жиноий иш юзасидан тергов ишларини олиб бориш мобайнида қонун доирасидан чиқиш ҳолларига йўл қўйилгани йўқ.

Айни пайтда жиноятларни очиш даражаси кўтарилиб, уларнинг сони камайиб бормоқда. Шу йилнинг ўн ойи давомида ходимларимиз жиноят-қидирув йўналиши бўйича 232та иш юзасидан тергов-суриштирув ишларини амалга оширишди. Бошқача қилиб айтсак, жиноятлар ўтган йилнинг шу давридагидан 22тага камайиб, уларнинг деярли ҳаммаси очилишига эришилди. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар, хонадонлардан ўғирлик, автомашиналарни ўғирлаш камайиб бормоқда.

Бу ниманинг натижаси? Жиноятчилик камайиб, жиноятчилар қонун олдида муқаррар жавоб беришларига қандай эришмоқдамиз?

Аввало, участка вакилларимиз, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят-қидирув бўлимларимизнинг ходимлари ўз фаолиятларида жамоатчиликнинг кенг қатламларига таянишади. Маҳалла фаоллари, барча жамоат ташкилотлари, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари орасида кўнгилли ёрдамчиларимиз, эл-юрт осойишталиги учун жонкуяр кўмакчиларимиз етарли.

Иккинчидан, шахсий таркиб билан ишлашнинг усул ва услубларини муттасил такомиллаштириб бораётирмиз. Бу борадаги ишларимиз бир неча йўналишларда изчил йўлга қўйилган. Ўз ҳаётини ички ишлар хизматига бағишлашга аҳд қилган ҳар бир кишининг шахсий фазилатлари, маънавий-маданий савияси, жисмоний етуклиги чуқур ўрганилади. Саралаб олинганлар уч ойлик махсус курсда, тайёргарликдан ўтади. Шундан кейингина энг муносиблар сафимизда хизматни бошлашади.

Хизмат жараёнида жанговар-касбий ва жисмоний тайёргарлик, маънавий-сиёсий тарбияга, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ўрганишга катта эътибор қаратилади. Бу борада ташкил этилаётган амалий машқлар, маънавият сабоқлари ўз самарасини бераётир. Бу – учинчидан.

Тўртинчидан, ходимларимизнинг умумий билим даражасини изчил ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқув курсларидан кенг фойдаланамиз.

Ишимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилаётган яна бир жиҳат – назорат, ижрони текширишдан иборат. Мақсадимиз – бирор ходим ўз фаолиятида қонун доирасидан четга чиқмасин, фуқароларни ранжитмасин. Қабулга келган ёки милиция формасидаги ходимларга бирор масалада мурожаат қилган ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларнинг хожати чиқсин. Милиция ходими одамлар дардини, ташвишини, азиятини эшитмас, ҳис қилмас, енгилллаштиришга кўмаклашмас экан, ўз ишида ҳеч қачон муваффақият қозона олмайди, камол топиб, ўсиб-унмайди. Биз бу фикрни ҳар бир хизматчимиз онгига сингдириб борамиз.

Сафимизда касбдошларининг ифтиҳорига айланган, хизматда ва юриш-туришда ибрат бўлаётган ходимлар кўп. Лекин мен уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг ходими Ниғмат Избосаров, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимининг профилактика катта инспектори Ҳамидулла Орипов, терговчи Жамол Ҳакимов, инспекторлардан Тоҳир Холдоров, Бахтиёр Фармонов, Шермат Ниёзов, Самад Сотимовларнинг хизматга садоқатлари, жонкуярликларини алоҳида таъкидламоқчиман. Сафимизда энг оғир жиноятларни очишга моҳир, тажрибали ходимлар оз эмас. Уларнинг фидойиликлари, кеча-кундуз жамоат тартибини сақлаш, одамлар турмушида, умуман, жамиятда осойишталикни таъминлаш учун куч-ғайратларини аямасдан, сергак ва хушёр хизматлари жамоамизга муваффақият келтираётир.



Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба хўжалиги ҳудудига жойлашган милиция таянч пункти қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш ва қонунчиликни мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

***СУРАТДА:** милиция ходимлари навбатдаги рейд олдидан фикрлашиб олишяпти.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Фахрийлар сафимизда

## ҚАЛБДА ҚЎР БЎЛСА

**Муҳитдин ИНОҒОМОВ, Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгашининг раиси**

— Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ишларига бутун умрини бағишлаган табаррук инсонлар вилоятимизда кўпчилик. Уларнинг бой амалий ва ҳаётий тажрибасини ёш авлод мулкига айлантириш, хизматни эндигина бошлаган ходимларни милициянинг шонли анъаналари руҳида тарбиялашга фахрийларимиз катта ҳисса қўшмоқдалар.

Уларнинг Ватанга муҳаббат, ўзаро муносабатда меҳроқибатли бўлиш ҳақидаги насиҳатлари ёшлар қалбига муҳрланиб, ҳаёт тарзини белгилашда ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётир. Террорчилар билан олишувда ҳалок бўлган милиция ходими Бахтиёр Пўлатов номли мактаб ўқувчилари билан учрашув фахрийларимизда ҳам катта таассурот уйғотди.

Пенсияга чиққанидан кейин ҳам ижтимоий ҳаёт, қонунчиликни мустаҳкамлашда фаол фахрийларимиз кўп. Тошкент туманида истеъфодаги милиция подполковниги Азим Даминов, Чирчиқ шаҳрида собиқ милиция ходимлари Ғофур Исроилов, Мухтор Ҳайдаров, Бўстонлиқда Йўлдош Хўжаевлар билан кенг жамоатчилик фахрланади. Улар маҳалла посбонлари, участка вакиллари билан қизғин ҳамкорлик қилишмоқда.

Шундай, қалбда қўр бўлса, кексалик чегара эмас. Фахрийларимизнинг қизғин жамоатчилик ишлари бунинг далилидир.

## ҲАР БИР КУН – ЖАСОРАТ

Иштиёқ

Кўп қаватли уйнинг йўлаги қоронғу эди, ўзига ташланган навбатдаги жиноятчини ер тишлатган Азизбек ва унинг сафдошлари яна қайси бурчакда ким писиб турганини кўриша олмасди. Олатасир кураш, айтиш мумкинки, аёвсиз қўл жангида машқ кўрганлик, махсус усулларни моҳирона қўллаш устунлик қилди. Қисқа муддатда уч ашаддий жиноятчи чўзилиб қолишди. Улар орасида Олмалиқда номи чиққан бокс бўйича спорт устаси Холбой Исаев ҳам бўлганлиги айтилса, наркотик моддалар олди-соттиси билан шуғулланувчи бу уюшган тўданинг қўлларига кишан солиш чинакамига осон бўлмаганлиги рўйрост англашилади. Ўшанда Холбой Исаев ва унинг жиноятчилик бўйича «боксчи» шогирдлари Шуҳрат билан Неъматни қўлга олиш ҳақиқатан ҳам мураккаб кечди. Милиция катта лейтенанти Азизбек Алиасқаров бу операцияни амалга ошириш синчиклаб тайёрланганлиги, тезкор гуруҳга ниҳоятда чиниққан йигитлар киритилганлиги ҳақида сўзлади.

... Қаршимда оддий, кўча-кўйда ҳар қадамда рўпара келадиган тенгдошларидан фарқи йўқ йигит ўтирипти. Кўринишидан, дафъатан, бу вужудда шунчалик куч-ғайрат, ирода, матонат мавжудлигини илғамайсиз. Оқ-сариқ чеҳрасидаги осудалик, ҳатти-ҳаракатидаги вазминлик кишини лол қолдиради.

— Уйланганмисиз?

Беихтиёр бу савол йигитни саросимага солгандек бўлди. Эҳтимол, ўша нашавандлар гуруҳини қўлга олиш учун Олмалиққа йўл олаётганингизда зиғирча бўлса ҳам қўрқув, ҳадик сездингизми, деб сўрасангиз, йигит учун жавоб бериш осон бўларди, ҳарқалай, тантилиги баралла сезилиб турган очиқ чеҳрасига ҳозиргидек ним қизиллик югурмасди.

— Йўқ, ҳали, — жавоб берди Азизбек бироз тараддудланиб.

Яқинда Тўйтепа шаҳридан бир ташвишли ахборот олинди. Ғуломжон деган бир кимса Ҳакимжон деган шахс билан тиллашиб, вилоят ҳудудида кучли наркотик модда — героинни сотиш билан шуғулланаётгани хабар қилинган эди. Бу фактни ойдинлаштириш, жиноятчиларни қўлга олиш учун Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси Наркотрофик ва наркотик моддалар ноқонуний айланишига қарши кураш бўлими бошлиғининг ўринбосари милиция капитани Мурoджон Аширматов бошчилигида тезкор гуруҳ тузилди. Милиция катта лейтенантлари Азизбек Алиасқаров, Иброҳим Ҳасанов, Учқун Сайдалиевлар унинг таркибида иш бошлашди. Наркотик моддаларни олиб келиб тарқатиш билан шуғулланаётган кишиларнинг шахси аниқланиб, зимдан текшириш, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишга киришилди. Ниҳоят, жиноятчилар 100 грамм героинни пуллашаётганда ушланди.

Ҳар бир операция маккор, шоҳидамас, баргида юришга интилувчи ўзига хос устомон ва ёвуз жиноятчилар билан юзма-юз келиш, асло кутилмаган хавф-хатар сари қадам қўйиш демакдир. Бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Элдор Аҳмедов ходимларни бу хавф-хатарни менсимасликка, «йигитчилик» – уларни писанд қилмасликка эмас, ҳар қадамда уларни даф этиш учун тайёр туришга ўргатмоқда. Тинимсиз махсус-жисмоний машқлар, қўл жанги усулларини тобора мукаммал эгаллаш учун интилиш мураккаб операцияларни муваффақиятли ўтказишга, жиноятчиларнинг ҳар қандай қаршиликларини маҳв этишга кўмаклашмоқда. Аҳмедов тажрибали, талабчан раҳбар.

– У кишининг қатъийлиги, сўзида туриши, фақат ходимларнинг хизмати хусусида эмас, балки шахсий муаммоларимизга ҳам эътиборлилиги менга ёқади, – оҳиста сўзлайди Азизбек. – Лекин ҳар бир ишда талабни кучли қўяди.

Милиция катта лейтенантининг салмоқланиб гапириши, гоҳи-гоҳида телефон қўнғироқларига жавобларини кузатиб ўтирбману, Азизбек ниҳоятда зарур хизмат соҳасида тасодифий бир йигит эмаслиги, у ўзини шу ишига тайёрлаганлигини ўйлайман. Ҳали бошлиғи ҳақида гапира туриб, қатъият, сўзга садоқат фазилатлари ички ишлар ходимлари учун ниҳоятда зарурлигини таъкидлади. Бу фазилатларни ўз бошлиғида кўриб, унга ҳавас қилган ёш офицернинг ҳам кўнгли, вужудида ички мардлик, тантилик,аҳдга вафо кўрдим, ҳар бир қадами жасорат талаб қилувчи бу хизматдагилар бошқача бўлишлари ҳам мумкин эмаслигини тушундим.

## ЯШАШДАН МАҚСАД

Хотира

***Милиция майори менга узатган ҳужжатлар орасида бир ариза дарҳол эътиборни тортди. Вақт ўтиши билан (ариза 1970 йилнинг 14 октябрида ёзилган) сарғайиб кетган бу ҳужжатни ҳаяжонланмасдан ўқиш мумкин эмас: «Мени жиноят-қидирув бўлими инспекторлигига қабул қилишингизни сўрайман, чунки ўз ҳаётимни жиноятчиликка қарши курашга бағишла..юқчиман».***



Бу қатъий тўхтамга келгунича Маҳамаджон Мирзаев ҳарбий хизматни ўтаб, «Ташавтомаш» заводида прессловчи, қурилишда электр пайвандчи бўлиб меҳнат қилган, ишлаб юриб, Тошкент давлат университетининг юридик факультетида ўқиётган эди. У ўзини милиция хизматига шу тариқа тайёрлаётганди.

Жиноят-қидирув бўлимининг ёш ходими ишга бутун борлиғи билан киришди. У Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлимларида, вилоят ички ишлар бошқармасида самарали хизмат қилди. Энг мураккаб, очилиши қийин «иш»ларни Маҳкамовга топширишар эди. У эса жамоатчи ёрдамчиларга таяниб, ҳар қандай мураккаб жиноятларни очар, жиноятчиларни қўлга олар, одил суд ҳукмига ҳавола этар эди. Касб маҳоратини мунтазам ошириб бориш,юксак ижро интизоми Маҳкамов муваффақиятларининг гарови эди. Олмалиқда ишлаган кезлари хонадонларда содир этиладиган жиноятлар кескин камайишига эришди.

Ниҳоят, Маҳамаджон Маҳкамов Бекобод шаҳар ички ишлар бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. Милиция полковнигининг бутун маҳорати, таланти, ишчанлик малакаси шу вазифада яққол намоён бўлди. Бугун унинг шогирдлари билан суҳбатлашсангиз, ўша йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш, шаҳарда жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасида олиб борилган ишлар хусусида ёниб-жўшиб гапиришади. Маҳкамов ўзини аямасдан, вақт билан ҳисоблашмасдан, меҳнат қилар, шогирдлари Ғайрат Мадаминов, Ёқубжон Эрбўтаев, Арслон Холмуродовлардан ҳам шуни талаб қиларди.

– Устоз жасоратли, қатъиятли, виждонли инсон эдилар, – дейишади улар. – Бугун ҳам ўша қиёфада сафимиздалар.

Мустақил мамлакат ўз содиқ фарзандининг шонли хизматини муносиб тақдирлади. Милиция полковниги Маҳамаджон Маҳкамов вафотидан кейин иккинчи даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

# ЙЎЛИДА ҲАМИША ҲУШЁР ВА КАМАРБАСТА

Ифтихор

## МЕН ТАНЛАГАН ЙЎЛ



**Дилором ҒОЗИБОЕВА,**
**милиция майори**
**Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи**

— Бекобод туманида, Далварзин пахта тозалаш заводи ишчисининг оиласида ўсиб-улғайдим. Ёшлик ҳаваси, эл-юрт осойишталиги учун кураш иштиёқи мени ички ишлар органида хизмат қилишга етаклаб келди. Отам танлаган ҳаёт йўлимни маъқулладилар. Университетнинг юридик факультетида ўқидим.

Мана ўн олти йилки, хизматдаман. Дастлаб тергов бўлимида иш юритувчи сифатида меҳнат қилдим. Милиция офицери сифатида чиниқишимда милиция генерали Комилжон Ғофуров, милиция полковниги Ғайрат Қодировларнинг маънавий ёрдамлари катта бўлди. Касбга муҳаббатни, касбдошлар билан баҳамжиҳат меҳнат қилиш кўникмасини, мураккаб вазиятларда чидамлилик, бардам бўлиб, сабр-қаноат ва қатъият билан иш юритиш фазилатини шу кишилардан ўргандим.

Бошқармамиз бўлимларининг жиноят-қидирув ва террорчилик ҳаракатларига қарши кураш соҳасидаги фаолиятини тўғри мувофиқлаштиришда Карим Ҳасанов, Содир Маматхонов сингари бой амалий тажрибага эга милиция офицерларига таянаман. Улар ҳар бир топшириқ вақтида, пишиқ-пухта бажарилишига сидқидилдан ёрдамлашишади. Хавфли жиноятчиларнинг кирдикорларини фош этиш, улар ўз қилмишлари учун қонунга мувофиқ жавоб беришларига эришишда Фарҳод Шофайзиев сингари ташаббускор, ғайрат-шижоатли, замонавий жиноят-қидирув усулларини мукаммал эгаллаб олган ёшларнинг хизматлари катта бўлаяпти.

Мамлакатимизнинг бугунги мустақил ривожини, халқимизнинг осойишта, эркин-эмин меҳнатини кўра олмайдиган кучлар Ўзбекистондаги барқарор, тинч-осойишта бунёдкорлик жараёнини барбод этиш учун тиш-тирноқлари билан ҳаракат қилишаётгани сир эмас. Бугун улар бирлашиб, ҳар турли йўллар билан юрт тинчлигини бузишга, танлаган йўлимиздан буриб юборишга уринмоқдалар. Шундай бир вазиятда янгиланаётган жамиятимизнинг барча қатламлари вакиллари, жамики ижтимоий-сиёсий кучларни бирлаштириш, жиноятчилар, ватанфуруш-террорчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини зарарсизлантириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Мен мана шу мақсадда яшаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидойи курашчилар сафида эканлигим билан фахрланаман.



Излaниш

## МАҲОРАТ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

*Милиция лейтенанти Б.Есбердиев (суратда – ўнгдан иккинчи) раҳбарлик қилаётган гуруҳ Чирчиқда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноятларни дарҳол очиш борасида самарали фаолият кўрсатаётир. Ёш бўлишига қарамасдан у тезкор вазиятларда жумбоқли ҳолатларга ҳамиша ягона тўғри ечим топишда қўл остидаги ходимларнинг билими ва тажрибасига таяниб, яхши натижаларга эришмоқда. Милиция лейтенантлари Р. Юсупов, Р. Алояров, милиция кичик сержанти А. Зияев, оддий милиционер Э. Тўрахўжаев ва бошқа ходимларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш ҳар бир топшириқ вақтида, муваффақиятли бажарилишида асосий омил бўлмоқда.*

***Аида САИТОВА олган сурат.***

Садоқат

## «ИНСОН ТАҚДИРИ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС»

**дейди Янгийўл туман ички ишлар бўлимининг терговчиси, милиция подполковниги Хасан Бухоров**

– Терговчи муайян жиноий ишларни очиш билан шуғулланади, – ҳикоя қилади Бухоров. – Шу жараёнда у ўнлаб, баъзи ҳолларда юзлаб гувоҳу гумондорлар билан учрашади, суҳбатлашади, суриштирув-тергов ишларини олиб боради. Касбга меҳр бўлмаса, қунт, синчковлик, мантиқий мулоҳаза етишмаса, яхшиси, тергов хизматидан узоқроқ юрган маъқул. Чунки, у Аллоҳнинг эзгу неъмати – инсон тақдирини ҳал қилади. Психологик жиҳатдан ҳар турли одамлар билан рўпара келади. Терговчи уларни тушуниши, ўзларини, ҳаётларини ўрганиши керак. Тўпланган материалларни, олинган ахборотларни таҳлил қилиши, ақл ва қонун тарозусидан бир-бир ўтказиши, енгил-елпи хулоса чиқармаслиги керак. Шундагина жиноий ишни очиш учун фойдали кўргазмаларни тўплай олади, ягона тўғри ҳукм чиқарилишига хизмат қилувчи айблов хулосаси тайёрлайди.

Тақдимномадан: «Милиция подполковниги Бухоров Хасан 1981 йили университетни битириб, Янгийўлга йўлланма билан келган. Шундан буён терговчи бўлиб хизмат қилмоқда. 2000 йили 70та жиноий иш юзасидан тергов ишларини олиб бориб, ҳаммасини судга оширган. Уларнинг асосий қисмини оғир, гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар ташкил этади. Йигирма йил мобайнида Бухоров Х. томонидан тергов ўтказилиб, судга оширилган ишлар такрорий ёки қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилмаган».

– Гоҳида тергов-суриштирув ишлари мобайнида терговчи томонидан гумондор шахслар ҳуқуқининг поймол этилиши, дўқ-пўписа қилинганлиги ёки ноқонуний тергов усуллари қўлланилганлиги ҳақидаги гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолади, – ҳикоясини майин, бироз бўғиқ оҳангда давом эттиради терговчи. – Йигирма йиллик тажрибамга асосланиб шуни айта оламанки, бундай ҳолларда тергов натижаси чинакам бўлмайди. «Иш»ларнинг суддан қайта терговга қайтарилиш ҳоллари шунинг оқибатида келиб чиқади. Ҳар қандай жиноятчига, аввало, у ҳам тирик инсон деб қарашим, у тушиб қолган ҳолатини ўзига англатишга ҳаракат қилишим, унда ўзимга ишонч уйғотишга интилишимнинг боиси шунда. Терговчи инсон билан суҳбат чоғида ҳар бир нарсага, эшитган, кузатган ҳолатларига эътиборли бўлсагина рост-ёлғоннинг фарқига боради.

Ўтган йиллар давомида минг бир турли кайфият, руҳий даражадаги одамлар, ҳар хил муаммоларга дуч келдим. Сўз йўқ, муомала, тергов «оҳанг»и ҳам шунга яраша кечади. Гоҳида қаттиқ бўласан, гоҳида юмшашга тўғри келади. Тазйиқ эмас, тактика керак. Жиноятчининг тилини топиш, руҳиятини англаб етиш керак...

Воқеа: оғир жиноий иш юзасидан тергов ишларини олиб бораётган ходим бирор тайинли далил-исбот ва кўргазма тўплай олмасдан, бу «иш» очилмайди деган хулосага келди. Тергов ишлари тўхтаб қолди. Содир этилган жиноий иш эса ўта оғир, жабрланувчига оғир тан жароҳати етказилган, оқибатда у касалхонада хушига келмасдан вафот этган, демак, жиноятчини тезроқ зарарсизлантириш – қўлга олиш талаб қилинарди. Акс ҳолда янги-янги жиноятлар содир этилиши мумкин, бошқа одамларнинг ҳаёти хавф остида қолаётганди.

Ҳуқуқ тартибот идоралари раҳбарлари шу «иш»ни ҳал қилиш хусусида фикрлашиб қолишди. «Бу ишни Бухоровга топшириш керак», – деди туман прокурори. «Ҳа, шундай қилмасак бўлмайди», – бу фикрни қувватлади ички ишлар бўлими бошлиғи.

Милиция подполковниги шу «иш» юзасидан тўпланган ҳужжатларни ўқиб кўриб, кўпдан-кўп жумбоқларга дуч келди. Кўрдики, тугунни топиш, бирон иш чиқариш мушкул. «Иш»ни ўн кунча ташлаб қўйди. Шу муддатда ўша жиноий ишга доир ҳужжатларда ўқиган фикр-хулосаларини солиштириб, қиёслаб, мулоҳаза қилиб юрди. Ниҳоят, ўн кундан кейин тергов ишларини бошлади. Жиноят содир этилган жойга чиқиб, тегишли одамларни чақириб, тергов ишларини олиб борди. Уч кунда жиноятни содир қилган одамларни, жиноят юз берган ҳолатларни аниқлаб, прокурордан гумондорларни хибсга олиш учун рухсатнома сўради.

...Суд ҳам жиноятчиларнинг бу ишини тез кунда кўриб чиқди. Ҳукм қилинганлар кассация шикояти ёзишди. Юқори судлов органлари биринчи ҳукмни ўз кучида қолдиришди. Прокурор Бухоровни ўз кабинетига таклиф қилди:

– Биз тўғри қилган эканмиз, раҳмат сизга, – деди терговчини табриклаб.

– Терговчи жиноятнинг ичига ёриб кириб бориши керак, – Бухоровнинг сўзларини аранг эшитаман. – Ён-атрофда улоқиб юрган билан фойда йўқ. Ишга янги келган кезларим эди. Тажрибали терговчи Ғофур Бердибоев раҳбарлигида амалий ишларга киришиб кетдим. Биринчи кунлари менга очилмасдан қолиб кетган бир «иш»ни топширишди. Ҳужжатлар билан танишиб чиқдим. Машина–синаш станциясига марказдан келган текширувчиларнинг нарсалари ўғирланган. Ўн ой ўтса ҳам, жиноят очилмай келган. Тергов йўли билан бу жиноят тафсилотларини уч кунда ойдинлаштириб, жиноятчиларни хибсга олдим.

Бухоровнинг бундай муваффақияти сирлари билан қизиқдик. Даъфатан у тергов майдонида от чоптириб кетаётган чавандозга ўхшаб кетди, унга ҳеч нима писанд эмасдек, унинг учун бирон-бир жумбоқ йўқдек туюла бошлади.

– Бундай эмас, – эътироз билдирди милиция подполковниги. – Ўша, биринчи маротаба мустақил равишда олиб борган тергов ишимни олиб кўрайлик. Ўғирлик содир этилган вақтдан буён ўн ой ўтса ҳамки, жиноят очилмаган. Мен унга қайси жиҳатдан ёндошдим? Аввало, ўйлаб кўринг: ўғирлашган буюмларини нима қилишарди, сотишади-да. Лекин илк кезлари бунга журъат қилишмаган. Жиноят иши содир этилганидан кейин орада шунча муддат ўтиб, ўғрилар дастлабки вақтдаги хавотирлик, эҳтиёткорлик исканжасидан ўзларича ҳалос бўлишган. Демак, улар ғимирлаб қолишади, буюмларни бозорга чиқаришади.

Шундай мулоҳазалар билан Янгийўл шаҳридаги ва атроф бозорларни ўрганишга киришдим. Биринчи кунидёқ ўғриларнинг изи топилди – илгари қамалиб чиққан кишилар ҳунарларини унутишмаган экан...

Тўрт киши бемалол суҳбатлаша олмайдиган хизмат хонасида Бухоровга рўпара ўтирибману, терговчи билан суҳбатлашгани келаётганимдаги ҳиссиётларимни эслаб, ич-ичимдан кулиб қўяман. Милиция подполковниги билан суҳбатни бошлагунимча терговчини кепчикка ўхшаб керкиб кетган, ҳар оғиз очганида тилла тишлари ярқираб, ғашга тегувчи, ўзига бино қўйган, дағал қиёфада тасаввур қилган эдим. Агар Бухоровни хонаки либосда кўчада учратсангиз, унинг хизмати шунчалик масъулиятли эканлигини ҳаёлингизга ҳам келтирмайсиз. Бўйи ўртача, қотмадан келган, рангпар бир киши. Лекин, ҳийла нимжон бу вужуддаги пинҳон ички бир кучни узоқ суҳбатдан кейингина, унинг ишлари билан бирмунча мукаммал танишгандан сўнг илғай бошлайсиз ва терговчининг қунту қудрати, идроки ва тажрибаси олдида лол қоласиз.

– Милиция подполковниги Бухоров катта ҳаёт тажрибасига эга, – деди хайрлашаётганимизда Янгийўл туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция полковниги Аъзам Айдаров. – Ўз ишига ўта талабчан. Топширилган ҳар бир вазифага сидқидилдан ёндошади. Эринчоқ, бефарқ эмас. Идроки ниҳоятда кучли, билими пухта, тажрибаси бой. Сафимизда шундай ходимлар бор экан, ишимиз ҳеч қачон завол топмайди.

Ибрат

## ИЛМИРАНИНГ ИШ КУНЛАРИ

***Ички хизмат катта сержанти Илмира Соловьёва ўз ҳикоясини шундай бошлади:***

– Менинг хизматим, очиғи, хотиржам иш-харбийлашган ёнғин ўчириш қисмида диспетчерман, холос.Ўн йилки ишим шу...

Шундай деди-да, Илмира Нургазизовна ўнғайсизлангандек бўлиб, кулимсиради. Унинг шу жилмайиб ўтиришини кўриб, Аллоҳ тескари қилсину, қўриқлаётган иншоотда бирор кор-хол рўй бериб, ёнғин бошланса, бу нимжонгина аёлнинг қиёфаси қанчалик ўзгариб кетиши мумкинлигини кўз олдимга келтирдим.

Ички хизмат катта сержанти Соловьёванинг хизмати аслида қанчалик мураккаблигини тасаввур этиш учун шуни айтиш кифояки, унинг жамоаси Тошкент ГРЭСида ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш билан шуғулланади. Жамоа раҳбари Хайдар Мусаев хизмат вақтини шундай ташкил қиладики, ходимлар ҳар дақиқада фавқулодда холатларни бартараф этишга тайёр туришади. Ёнғинни ўчириш билан боғлиқ тактик машғулотлар бевосита цехларда ўтказилади. Электр ёки кимё цехида «ёнғин ўчириш»нинг ўзига хослиги бор. Қайси участкага кимни юбориш, ёнғин ўчиришда қаерда қандай моддани қўллашни ҳал қилиш пайтида эса диспетчернинг зиммасига ниҳоятда катта масъулият тушади. Ишнинг муваффақияти ундан ёнғин ўчириш кўникмасини ҳам, қўлланиладиган модда ва «ўт ўчиралаётган» иншоот хусусиятини ҳам пухта билишни талаб қилади.

Бугун ўт ўчирувчилар Илмирага байрам гулдастасини тутқазишади. Ўз ишларининг муваффақияти диспетчерлик хизмати ходимларининг огоҳлиги, билимдонлигига қанчалик боғлиқлигини тушунган кишилар ўз миннатдорчиликларини шундай ифодалашади.

***(Материалларни «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлагаи).***

## ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

*Осмонга тикилган тополмас неъмат,*
*Чумолига қара – билгани меҳнат*

* * *

*Бахтни ўлчашга йўқ, тарози ва тош,*
*Бахтнинг нисбати бу – нурафшон қуёш.*

* * *

*Ажиб бир ҳикматдир, пахтамиз оппоқ,*
*Тупроқ ва тердан яралган бироқ.*

* * *

*Кўплар сукут сирин сўрайди мендан,*
*Сабрни ўргандим она заминдан.*

* * *

*Бегона бўлса ҳам, шудир одатим,*
*Кўзингда ёш кўрсам, тугар тоқатим.*

* * *

*Бугун бор эрурсан, эртага – жумбоқ,*
*Шу сабаб яхшилик айлагин кўпроқ.*

* * *

*Дарахтга ўхшайди инсон сиёғи,*
*Оҳиста йиқилар қуриган чоғи.*

**Ғолиб МИРЗО.**

## Bolalik bog'i

### KEKSALAR

*So'rida otaxonlar*
*Suhbat qurar kulishib.*
*Bosib o'tgan yo'llarin*
*Eslab, zavqqa to'lishib.*
*To'rt bobo – to'rtta kitob,*
*To'la ertak-hikmatga.*
*Ona diyor qo'ynida*
*Loyiq Izzat-hurmatga.*



**Asom ZIYOMAT.**

## Буни ҳаёт дейдилар

# САВОБ

Солихўжа янги солинган иморатига сувоқчи ёллади. Уста тушмагур ҳийла қайсар чиқиб қолди. Икки гапнинг бирида «Бекободнинг қуми керакмас, шираси йўқ. Анҳор қумидан келтиринг, омухта», дейди. Солихўжа, гапнинг рости, қумдан қумнинг фарқини энди эшитиб турибди. Анҳорники бўлса, янаям яхши деб тўрт-бешта қопни қўлтиқлаганча уйларидан унча олис бўлмаган анҳор томон юрди. Сув оқмаётганлиги боис қум кўзга шундоқ ташланиб турибди. Солихўжа оёғидагини ечиб пастга тушган ҳам эдики, тўпиғигача нам қумга ботди. Энкайиб қўли билан қумни тўплаб қопга ярим қилиб солгунича, кириб кетди. Ярим қоп қумни елкаси баробар қирғоқнинг нотекис лабига кўтариб қўйгунча, она сути оғзига келди.

– Ассалому алайкум амаки, ҳорманг, қарашворайми? – ўн беш, ўн олти ёшлар чамасидаги тўладан келган, билакларида куч қайнаб турган йигитча қопни даст кўтариб, сал нарига элтиб қўйида, бошини сарак-сарак қилиб яна галга тутинди:

– Амаки, қумни оёғингиз остидан чакки олибсизда. Сал наридан олиб саёзроқ ердан чиқариш керак эди.

– Ўғлим, сени Худо етказди-ку, нари борса беш қоп олсам етар, ҳали буни элтиш ҳам бор. Уйда уста қумга маҳтал бўлиб ўтирибди.

– Шошманг, унда амаки, мен белкурагимни олиб келай, – йигит шундай деб қирғоқ бўйлаб кетди.

Юз-кўзларини яктагининг этаги билан артаётган Солихўжа сал наридаги қирғоқ чеккасидаги тўп-тўп қум уюмларига кўзи тушиб ҳайрон қолди. «Қуруқ қум уюмларидан бирини қопга осонгина солсам-ку, пастдан кўтар-кўтар балосидан қутулар эканман, – кўнглидан ўтказди. – Қумларни ким қирғоққа чиқариб қўйибди экан?»

Белкуракни олиб изига қайтган йигитча пастга енгил тушди, ҳамроҳининг кўнглидагини уққандай деди:

– Қирғоқдаги уюм қумлар меники амаки. Тирикчилик-да, қолаверса эрта-индин ўқиш бошланади. Китоб-дафтар, кийим-кечак деганда...

Солихўжа қоп оғзини очаётиб, йигитчага ҳайратомуз тикилганча сўради:

– Бир уюми қанча қоп чиқади?

– Ўн қопдан кам эмас.

– Қанчага пуллайсан?

– Ҳар хил, амаки, биров икки минг, биров уч минг бериб кетяпти. Ҳарна-да, амаки.

– Шу уюмларни бир ўзинг қандай чиқардинг. Ҳали жуда ёшсан-ку?

– Мана шундай, шошмай белкуракни қумга ботириб қирғоққа ирғитаман. Сўнг ҳафсала билан кетмонда уйиб қўяман. Уч ой ёзги таътилда уй ишларини бир ёқли қилиб, беш-олти уюм қум тўплайман. Сотгач, яна тўплайман. Қарабсизки, насибага яраша пул чўнтагимда бўлади.

Суҳбат билан бўлиб Солихўжа тўрт қопнинг қумга тўлганини сезмай қолди. Икковлашиб, қирғоққа чиқариб олишди. Уйга элтиш муаммосини ҳам йигитча бир ҳуштак билан ҳал қилди. Чорраҳа чеккасида турган уч ғилдиракли моторли улов пат-патлаганча етиб келди. Улов эгаси билан йигитча қопларни ортишди. Солихўжа уловга чиқиб ўзида йўқ хурсанд бафуржа ўтириб оларкан, йигитчага секин шипшиди:

– Буёғи қанчадан тушди, ўғлим?

– Савоб қилсанг бутун қил, деганлар, йўлкира ҳам биздан, – самимий жилмайди йигитча.

**Собир ИНОМОВ.**

## Бекажон

### ҲАР НАРСАНИНГ ҚОИДАСИ БОР

- Гўшт қиймалагичингиз ишга ярамай қолса, албатта, уни очиб, бўлакларга бўлиб тузатасиз. Қайта йиғганингизда унинг тумшуғидаги қопқоғини маҳкамлашни унутманг, акс ҳолда унинг пичоқлари тез ўтмаслашиб қолади.
- Агар қиймалагични столга маҳкамлаётганингизда, унинг «оёқча»ларига бир бўлак резинка қистириб қўйсангиз, сира ҳам қимирламайди, сизга ҳалақит ҳам бермайди.
- Ифлосланган қиймалагични тозалаш йўли жуда осон. Гўштни қийма қилиб бўлганингиз заҳоти бир бош пиёзни ёки бир бурда нонни ҳам майдалаб юборсангиз бас.
- Қиймалагични ҳоҳ плитада, ҳоҳ бошқа жойда қуритсангиз, у албатта, қорайиб қолади. Пичоқлари эса ўтмаслашади. Унинг пичоқларини ўзингиз ҳам қум қайроқда ўткирлаб олишингиз мумкин. Бу кўп вақт талаб қилмайди.
- Энгил-бошингизга ёпишиб қолган сақични кетказишнинг йўли бор. Унга бироз вақт муз босиб туринг ёки бензинга солиб эритиб юборинг. Шундан сўнг, кир ювиш кукуни билан ўша жойни яхшилаб ювинг. Албатта, бу усул ранги хира кийимларда жуда қўл келади.
- Йоддан қолган доғни дастлаб қуюқ крахмал билан артиб ташланг, сўнгра совуқ сувда ювинг. Доғдан асар ҳам қолмайди.

***Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.***

# ЦЕЙЛОН ЧОЙИНИНГ ТАЪМИ

CEYLON TEA
SIMBOL OF QUALITY

Цейлон чойи дунёда жуда машҳур. Шри-Ланкада (ўтмишда у Цейлон деб аталарди) чой ўсимлигини ўстириш учун барча табиий, иқлимий шароитлар мавжуд. Юқори ҳарорат, илиқ шамоллар, енгил ва тоза ҳаво, тепаликларга мўл замин унинг учун айни муддаодир. Катта қисми оролнинг марказий тепаликларида жойлашган плантациялар икки турли муссонлар таъсирида бўлгани учун, мазкур тепаликларнинг шарқий ёнбағрларидаги энг яхши чой навлари июнь охиридан август ниҳоясигача, ғарбий ёнбағрларда эса, 1 февралдан 15 мартгача йиғиб олинади.

Цейлон ҳудудида чой дастлаб 1824 йилда Хитойдан келтирилган. Ўн беш йил кейин эса, уни Ҳиндистоннинг Ассом вилоятидан ҳам олиб келишди. Аммо, шотландиялик Жеймс Тейлор бу ерда чой ишлаб чиқариш саноатини ташкил этганига қадар яна ўттиз йилча вақт ўтди. Ишлаб чиқаришнинг бу тури кейинроқ шунчалик тез ривожландики, оқибатда бу орол чой импорти соҳасида жаҳон пешқадамларидан бири сифатида шуҳрат қозонди.

Цейлон чойини ўсимлик қанчалик юқорида ўсганига қараб, уч табақага бўлиш одат тусига кирган: Low Grown (паст табақа, денгиз сатҳидан 600 метргача баландликда), Medium Grown (ўрта табақа – 600-1200 метр), High Grown (юқори табақа 1200 метр ва ундан баланд).

Ҳозирги кунда Шри-Ланка тахминан 300 минг гектар майдонда ҳар йили 280 минг тоннадан ортиқ чой етиштиради. Бу эса, жаҳон миқёсида тайёрланаётган ушбу маҳсулотнинг тахминан 10 фоизини ташкил этади. Шундан 269 минг тоннага яқини доналаштирилган (СТС) кўринишда бўлади.

Экспортга ҳозирланган чой турлари жуда хилма-хил. Улар орасида ананас, апельсин, бергемот, чиннигул, киви, корица ва бошқа хил мазаларни эслатувчи таъмлилари, таъми ўзгартирилмаганлари, органик, тез эрувчан, кўк ва бошқа турлари мавжуд бўлиб, барини юксак даражадаги сифат бирлаштириб туради. Бу сифат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида Шри-Ланка Чой Кенгашининг жиддий назорати остида таъминланган. Мазкур назоратнинг илмий асосини чой бўйича жаҳоннинг энг йирик илмий-тадқиқот институтлари ишлаб чиқадилар. Чой Кенгашининг машҳур «Қилич ушлаган шер» логотипи эса, ушбу сифат рамзи ҳисобланади.

Чойнинг, айниқса, Цейлон чойининг инсон танасига шифобахш таъсири қадим-қадимдан маълум. Ёз жазирамасида салқин хонада ёки очиқ ҳаводаги сояда чой ичишнинг гашти ўзгача. Ташналикни қондиришдан ташқари тўйимли овқатдан сўнг



истеъмол қилинган чой, унинг тез ҳазм қилинишини яхшилайди, кайфиятни кўтаради ва инсон ўзида куч ва тетиклик ҳис қилади.

Чойнинг фойдаси, унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида кўп ёзилган. Чойга оддий ичимлик сифатида эмас, балки, табиат инсон танасини тетиклаштирувчи ва унга куч бағишловчи кофеин, эфир мойлари, танинлар каби моддаларни ажиб тарзда оқилона бириктира олган ноёб шифобахш восита сифатида муносабатда бўлган маъқул. У Р-витамини фаоллиги ва кучсиз бактерицид таъсирига эга. Чой истеъмол қилаётганда, қора чой қувватни ошириши, томир уриш тезлигини кучайтириши, кўк чой эса қон босимини тушириши, ишқор ва пешоб ҳайдаш воситаси эканлигини ёдда тутмоқ лозим. Одатда чойни у етиштирилган жой номи билан боғлаб атайдилар.

Чой оҳиста, шошилмай, 1-2 дақиқа оралиғидаги майда хўпламлар билан ичилади. Маҳаллий аҳоли чойни пиёлаларга тахминан 8-9 хўплам миқдорида қуяди. Чой ичишнинг бундай услуби қадим-қадимлардан мерос қолган бўлиб, бизнинг иқлимга хос жазирама чоғида нисбатан оз миқдордаги ичимлик билан чанқоқни меъёрида қондириш воситаси сифатида урф бўлган. Қишнинг изғирин оқшомида танани иситиш ва ёзнинг жазирама кунида чанқоқни қондириш, чойнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Унинг ўзига хос даволовчи хусусиятлари ҳақида-ку, тўхталмасак ҳам бўлади. Шу маънода унинг турларини таъбга қараб танлаб ичиш ҳалақит бермайди. Фақат бир нарса аниқ. Цейлон чойи қайси турда бўлмасин (Ўзбекистонга унинг «Бета», «Импра», «Жеф» каби кўплаб турлари келтирилади), инсонга ҳар қандай об-ҳаводa ҳам чинакам йўлдош бўла олади.

Ўқиб бўлдингизми, энди туриб, бир чой дамлаб юборинг-чи...




Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 10-14 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади.

Ҳарорат кечалари 5-10, кундуз кунлари 15-20 даража илиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-2804. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Нашр кўрсаткичи — 205. Адади 4237 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6